

**“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
34 - сонли баёнидан кўчирма**

2020 йил 18 декабрь

Тошкент ш.,
Шаҳрисабз кўчаси, 30-уй

“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши масофадан туриб <http://evote.uz/> электрон овоз бериш хизмати орқали, шунингдек икки нафар банк акциядорлари (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси) вакиллари иштирокида “Ипотека-банк” АТИБ Бош офисининг мажлислар залида соат 11⁰⁰ дан - 12⁰⁰ гача амалга оширилди.

Йиғилишда бевосита банк биносида иштирок этган акциядорларни инобатга олган ҳолда, йиғилишни ўтказиш оператори электрон платформасида шаклланган ҳисобот бўйича, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг реестрига кўра, 2020 йил 14 декабрь ҳолатига умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 2’809’392’130’434 дона оддий акциялар эгаси бўлган 13436 та акциядор киритилган. Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди. Электрон ҳисоботга асосан йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи 2’593’629’024’962 дона акцияларга эгалик қилувчи акциядор ва акциядорларнинг вакиллари (1’681’702’064 дона овоз масофадан туриб, 2’591’947’322’898 дона овоз бевосита иштирок этган ҳолда) рўйхатдан ўтганлиги ва умумий йиғилиш ваколатли эканлиги, яъни кворум мавжудлиги маълум бўлди.

Йиғилиш кворуми: 92,32 %.

Санок комиссияси баённомаси, акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхати, Санок комиссияси маълумотномаси матни илова қилинади.

Акциядорларнинг масофавий умумий йиғилиши ишчи органлари One ID Ягона идентификация тизими орқали белгиланган тартибда идентификацияланди ва йиғилишни ўтказиш операторининг электрон платформасидан рўйхатдан ўтказилиб, қуйидаги таркибда тузилди:

Йиғилиш котиби:

Мерганов Баходир Ибрагимович

Санок комиссияси аъзолари:

Хилола Рустамовна Маликова

Алибоев Ёрқин Ғофур ўғли

Кун тартибидаги масала:

“Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йил натижалари бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг 2020 йил 30 сентябрда қабул қилган қарорига ўзгартиришларни ва имтиёзли акцияларга дивидендларни умумий захира фондидан тўлашни тасдиқлаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йил натижалари бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг 2020 йил 30 сентябрда қабул қилган қарорига ўзгартиришлар тасдиқлансин ва мазкур йиғилиш баёнининг 5-масала бўйича қарор қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“5. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йил натижалари бўйича олган соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ (Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль)) стандарт активлар бўйича захираларни шакллантириш учун 52'383'681'281,19 сўм (соф фойданинг 12,18%) йўналтирилсин;

- 2019 йил якунларига кўра олинган соф фойданинг қолган 150'522'824'034,83 сўми (соф фойданинг 35%) умумий захира фондини шакллантиришга йўналтирилсин;

- банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига тўланадиган 348'165'440 сўм ва Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган 38'803'329,60 сўм мукофот банкнинг 2019 йилги соф фойдасидан эмас, 2020 йил харажатлари ҳисобидан амалга оширилсин ва соф фойданинг шу қисми (мажбурий ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда 386'968'769,60 сўм) банкнинг умумий захира фондига йўналтирилсин;

- 2019 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг 226'764'370'434,72 сўм ёки 52,73% миқдоридаги қисми Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бу борадаги тегишли кўрсатмаси олингунга қадар тақсимланмаган фойда ҳисобварағида қолдирилсин;

- қонунчиликка киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олиб, банк балансидаги маблағларни ҳисобварақларда тўғри акс этирилишини таъминлаш учун 30904...001 (ФЛК) ва 30903...007 (ПҚ-4005-сон қарор бўйича ташкил этилган захира) ҳисобварақларида мавжуд барча қолдиқ маблағлар 30903...005 ҳисобварағига (умумий захира фондига) йўналтирилсин. 2018 йил соф фойдасидан мукофот кўринишида тўланган ва банкка қайтарилган 47'335'543,19 сўм миқдоридаги қисми умумий захира фондига йўналтирилсин.”.

2. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашга 2'013'000'000 сўм миқдоридаги маблағлар (ҳар бир дона имтиёзли акция учун 0,25 сўм ҳисобида) умумий захира фондидан йўналтирилсин. Бунда, бир акциядорга ҳисобланадиган дивидендлар миқдори 1 тийингача бўлган аниқликда аниқлансин, ҳисоблашда рақамларни яхлитлаш математик яхлитлаш қоидалари бўйича амалга оширилсин. Дивидендларни тўлаш 2020 йил 28 декабрдан бошлансин ва 2021 йил 15 февралда тугатилсин.

Кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

Тарафдор	Қарши	Бетараф
2'591'953'897'356	0	0
(100%)	(0%)	(0%)

(Овоз бермаганлар – 1'675'127'606 (0,065%) дона овоз).

Йиғилиш котиби

 Б.И. Мерганов